ТОПИНАМБУРНИНГ «ФАЙЗ-БАРАКА» ВА «МЎЪЖИЗА» НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Т.А.Мадумаров, М.С.Зокирова

Мақолада топинамбурнинг "Файз-барака" ва "Мўъжиза" навларини етиштиришнинг агротехник хусусиятлари АДУ тажриба участкаларидаги икки йиллик тажрба асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *топинамбур, туганак, картошка, поя, барг.*

В статъе освещены агротехнические особенности выращивания сортов топинамбура«-Файз-барака» и «Муъжиза» на основе двух лет исследований на опытных участках Андижанского государственного университета.

Ключевые слова: *топинамбур,клубень, картофель, стебель, лист.*

This article presents the useful features and usage earth apple and how to grow "Faiz-Baraka" and "Mujiza" types of earth apple.

Key words: *earth apple, plant, potatoes, leaves, stem, root.*

Ўзбекистонда топинамбур ўсимлиги 1950-йиллардан буён ўрганилиб, бу борада мамлакатимиз олимлари томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. ЎзФА Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида жаҳон генофондидан қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган бирламчи манбалар асосида серҳосил, шифобахш "Файз-барака" (2006 йил) ва "Мўъжиза" (2011 йил) навлари яратилиб, мамлакатимиз ҳудудида экиш учун тавсия этилган ва қишлок хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган.

Шунинг учун ушбу навлар экилиб, саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш устида кенг кщламдаги ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2013 йил Республика бўйича жами 70 га майдонга, Андижон вилояти иқлим-шароитида эса 10 га ерга ушбу навлар экиб ўрганилди.

Топинамбур (*Helianthu tuberosus L.*) ўсимлигининг фойдали хусусиятлари ва хўжаликдаги аҳамияти шундан иборатки, у доривор ва кучли озуқа экинидир. Уни маккажўхори, жўхори ёки шуларга ўхшаш экинлар билан аралаштириб силос таёрланса, чорва моллари учун тўйимли озуқа беради [1,3]. Унинг яна бир афзаллиги шундаки, туганаклари (*tuberous*), гуллари қандли диабет билан касалланган беморларни даволашда табиий ҳолда ҳам, фармацевтик қайта ишланган ҳолда ҳам яхши самара бериши исботланган [2,5,3].

Бу ўсимликни етиштиришда алоҳида агротехник чора-тадбирлар қўлланилиб, март ойининг 3-декадаси – апрель ойининг 1-2-декадалари оралиғи экиш учун мақбул муддатлар ҳисобланади [4,1]. 2013 йил республика буйича жами 70 гектар, шундан 10 гектари Андижон давлат университети қошидаги "Экспериментал биология ва экология" лабораториясига қарашли тажриба участкаларига: Асака туманида (3 га) ва Улуғнор туманида (7 га) майдонга 13. 04. 2013 йил – 15. 04. 2013 кунлари экилди. Асака туманига "Файз-барака" нави, Улуғнор туманига "Мўъжиза" нави экилди.

21 – 25 апрель кунлари ўсимликка биринчи сув берилди. 3 – 5 май кунлари бегона ўтлардан тозалаш ва ўсимлик тагини юмшатиш мақсадида чопиқ қилинди. 7 май куни ўсимлик буйи 7 – 21 см га етди. 12 – 13 май кунлари ўсимлик оралари культивация қилинди. 29 май куни ўсимликнинг ўртача буйи 80 – 85 см га етди. Ўша куни топинамбур ягана қилинди ва ён шохлари олиб ташланди. 30 май куни ўсимлик ҳолати ўрганилиб, туганаклар ҳосил бўлиши бошлангани аниқланди. 31 май куни ўсимлик оралари эгатлари очилиб, суғоришга тайёрланди. 1 – 5 июнь кунлари ўсимлик суғорилди. 10 июнь куни ўсимлик оралари яна культивация қилиниб, юмшатилди. 15 июнь куни ўсимлик бўйи ўлчганда, ўртача узунлиги 130 – 150 см ни ташкил қилди. 16 – 20 июнь кунлари ўсимлик суғорилди. 24 – 25 июнь кунлари ўсимлик оралари культивация қилиниб, юмшатилди. 2- 3 июль кунлари 40 х 40 х 20 схемада аммофос + калий + селитра аралашмаси ҳолатида гектарига 100 кг миқдорида минерал ўғит солинди ва эгатлар очилди. 7 – 12 июль, 22 – 27 июль ва 7 – 12 август кунлари суғорилди. Ўсимлик бўйи 2,5 – 3 метр, туганаклар оғирлиги 20 – 30 г.

Т.А.Мадумаров *– АДУ экология ва ботаника кафедраси профессори, биология фанлари доктори;*
М.С.Зокирова *– АДУ ботаника мутахассислиги магистранти.*

18 – 20 август кунлари ўсимликлар гуллади. Гуллаш даврида дала ёнига асалари уялари қўйилди ва топинамбур асали йиғиб олинди. Асал таркибини ўрганиш учун мутахассисларга берилди.

27 август – 2 сентябрь ва 17 – 21 сентябрь кунлари ўсимликлар суғорилди.

Йил охирида ўсимлик туганаклари ва пояси йиғиштириб олинди. Ўсимлик ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 40 тоннани ташкил қилди. Жами 10 гектар ердан ўртача 400 тонна ҳосил олинди. Туганаклар Андижон вилояти Чинобод туманидаги консерва заводига олиб борилди ва ҳозирда концентрат ҳолатига келтириб сақланмоқда.

Улуғнор туманига экилган топинамбур ўсимлиги ёнида “Маржон ери” фермер хўжалигининг 40 гектар ва “Хумо - 96” фермер хўжалигининг 30 гектар пахта майдонларига зараркунанда ҳашоратлар деярли тушмагани кузатилди. Буни топинамбур ўсимлигининг пояси, барги ва гулида шакар миқдорининг кўплиги билан изоҳласа бўлади.

Ўсимликнинг устки поя қисми техника ёрдамида силос ҳолатига келтирилди. Биомасса бир туп ўсимликда 418 гр ни ташкил қилди, 1 гектаридан 9.4 тонна, жами 10 гектар майдондан ўртача 94 тонна поя йиғиштириб олинди. Ўсимлик пояси келгусида қоғоз ишлаб чиқариш мақсадида Улуғнор ва Асака туманининг фермер хўжалиги дала шийпонларида захира сифатида сақланмоқда.

2014 йилда ҳам Улуғнор туманида тажриба учун ажратилган 10 гектар майдонга топинамбур ўсимлигининг “Файз-барака” ва “Мўъжиза” навлари экилди. Ўсимлик униб чиққандан сўнг барча агротехника ишлари ўз вақтида олиб борилди. Жумладан, суғориш, культивация, яганалаш ишлари бажарилди.

Йил охирига келиб, октябрь ойининг охирида ўсимликнинг юқори поя қисми йиғиштириб олинди. Туганакларни териб олиш ишлари ноябрь ойида бошланди ва ҳосилнинг бир қисми ковлаб олинди. Ковлаб олинган туганаклар Андижон вилояти Балиқчи тумани Чинобод қишлоғида жойлашган маҳсулотни кайта ишлаш корхонасига концентрат тайёрлаш учун топширилди. Қолган қисми далада табиий ҳолатда сақланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагилар биз олиб борган изланишларнинг қисқача баёни бўлиб, келгусида бу борада олиб бориладиган ишларни янада кенг кўламда ривожлантириш бугунги куннинг муҳим талабларидандир. Зеро, олинган натижаларга кўра, бу ўсимликни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлиши билан бирга, халқ хўжалигида ҳам аҳамияти жуда каттадир. Топинамбур етиштиришнинг қоғоз ва фармацевтика саноатларини хом ашё билан таъминлаш билан бирга, чорванинг ем-хашакка бўлган эҳтиёжини қондиришда ҳам ҳиссаси беқиёс бўлади.

Адабиётлар:

1. Atabayeva X., Qodirxujayev O. O`simlikshunoslik. - T.: Yangi asr avlodi, 2006.
2. Mirzayev O., Xudoyberganov T. Yem-xashak yetishtirish.- Andijon, 2003.
3. Atabayeva X. va boshq. O`simlikshunoslik. - T.: Meҳnat, 2004.
4. Atabayeva X. va boshq. Yem-xashak yetishtirish. - T.: Mehnat, 1997.
5. www.ziyonet.net

2015 йил 6 январда қабул қилинган
(Тақризчи: б.ф.н. Э.Рўзматов)